



ТАРИХИ ТУРКИСТОН

Бисмиллохи-р-рахмони-р-рахим.

Хамд ва сипос ул Подшоҳигаким, муктазои ояи каримаи «кулиллахумма молик ал-мулки» сиёсати мамлакат тагайюр ва заволидин масун ва махрусдир, «Ту'ти-л-мулка ман ташаау» [яъни, сен истаган кишингга мулк ато килурсан] неъмати жалол, аҳадиятидин шамъи «ва танзиъу-л-мулка ми-м-ман ташаау» (яъни, истаган кишингдан бу мулкни тортуб олурсан) васфи бақои зотицин намуна. Подшоҳедурким, султони аср ва ҳонони даҳрлар ажз ва ифтикор ила онинг даргоҳининг мазаллати ҳокига юз кўядурлар ва ҳокони баланд иқтидорлар улухият боргоҳининг оstonасига тазарруъ ва таҳашшуъ илигини кўтариб илтижо ва илтимос киладурлар:

Сари подшоҳони гардунфароз

Ба даргоҳи ӯ бар замини ниёз.

Мар ўро расад кибриёву мани,

Ки мулкаш қадимаст, зоташ гани.

[Дунё улуг подшоҳлари, Унинг даргоҳида бош эғиб хизматдалар. Буюклик ва манманлик Оллоҳга ярашади, Унинг ҳукмронлиги қадим ва зоти эса бойдур].

Ва салаллоҳи ала ҳайри халқи Мухаммадин ва олиҳи ва асхобиҳи ажмаъин.

Баъд, арбоби донишларга маҳфий ва пўшида бўлмагонким, тамоми каломи мажиди раббоний ва фурқони аъзаму мўъжизоти Мухаммадий уч қисмга мункасимдур: аввало, тавҳиди Худовонди жалла жалолуҳу, иккинчи шариати Мухаммадий, салаллоҳи алайҳи васаллам, учинчи, уммати мухаммаддйларнинг аҳвол ва аҳборотлари. Мундин макосиди мутақаддимин-ларнинг аҳвол ва аҳборотларига илм пайдо қилмақдур. Бу илми тарихнинг афзаллигига далил қофий ва шофийдур. Илми таворихнинг фойдамандлигига тамоми фирқа муттафик ар-ройдурлар. Аксар тавойифи умам балки, тамоми аҳли олам бу илмни амалга қўйуб, гумоштагонларидин ривоят ва ҳикоятлар қилиб, онинг ўзларига далил қиладурлар. Хусусан, тавойифи атроқ [турк тоифалари] ва ўзбеклар ўтган уруғ ва қабилаларини ёдда тутмоқга ҳаятда жиду жаҳд қиладурлар. Аммо бизнинг Туркистон сартиялари тарихга қўп аҳамият бермай, икки-уч отадин илгари ўтган салафларини ва аларни замоналаридаги ҳикоят ва воқеотларни асло билмайдурлар. Бинобарин, қамина ҳечмадон [нодон] ажзва қусуримни иқрор ва эътироф айлаб, саҳв ва қусури бўлса ҳонандаларни афв қалами илан тасхих ва дуруст қилмоқларини риҷо ва илтимос умидида Фарғона ва Хўканд хонлари ва аларнинг аҳволотларини баъзи таворихлардин

ва кўхансол [кария] одамлардин ва хам худ камина ўзум эшитган ва кўрганларимни содда ва расмий чигатой турк тилида мусаввада [коралама] айлаб «Тарихи Туркистон» ном кўйуб, наشريга шуруъ килдим. Аллох таоло муваффақ айлаб итмомига [яку-нига] еткурмокни муяссар килгай, токим туркистонлик биродарларимиз Фаргона хонлари ва аларнинг замонлари ва воқеотлари ва Русия давлати азимасига тобеъ бўлгандин эллик йил муддатда бўлган ахвол ва атворимизнинг [хулкимизнинг] кандай тағйир [ўзгаргани] ва табдил ва тараккийсига мулохаза айлаб, «наъмул-инкилоб» натижасига ибраткўзи илан муояна килса-лар экан деб, ва биллохи тавфик.

Фаргона вилоятида таворихларда маълум ва машхур Анди-жон ва Ўзганд ва Ахси кадимги ва эски шаҳар бўлуб, чигатой ва ўзбек хонларига пойтахт эканлиги билинадур, лекин худди Хўканд шахрининг энг аввалги биноси 300 йилдан зиёд бўлган эмас. Вақтики, Бобурхон ўзбек хонлари илан Самарканд музофотида мухораба айлаб, мағлуб бўлуб, кочиб, алхол Хўканд шахри бино бўлган мавзедаги катта сой лабига келганда фаросат илан топибдурким, бул жой сероблик ва обшорлик ва хуш-хаво сабабликдин андак вақтда ободон ва катта шаҳар бўлса керак деб, алхол Хўканд шахрига сув келадурган катта сойдин ўтганда кўрубдурким, сойнинг икки тарафида кўп элатиялар ижтимоъ килиб, кўнуб ўлтурубдурлар. Муни кўруб Бобурхон кимхоб ва заррин либосларга ўралиб, олтун бешикка бойланган бир ёш боласини махали гузаргоҳга кўйуб, бир доно ва хушёр одамни ул бешик илан болага дидбон ва каровул тайин килиб, айтибдурким, то ушбу бола бирор одамни кўлига тушуб, олиб кетгандин сўнгра бизларни оркамиздин етиб келурсан, деб тезлик илан ўз йўлларига жўнаб кетибдурлар. Ўшал вақтларда бул вилоятлардин ҳеч асар ва ному нишона йўк бўлуб, дашту сахро экан. Лекин, сойни икки тарафида уч-тўрт жамоа, чунончи, чанкант, сарой ва таргова, деган уч гуруҳ халк ўлтуруб, бир гуруҳи сойи Найманчага ва икки гуруҳи сойи Калонга тобеъ экан.

Бул уч гуруҳ халк иттифок илан тўгон килиб, сув боғламок учун даштга чикиб, мазкур сойни икки тарафи илан юруб, келарда кўрубдурларким, бир оз мукаддам кўп халк гарб тарафдин келиб, сойдин ўтуб, машрик тарафга кетибдур. Ўзбак-лар бул аломатни кўруб, эҳтиёт учун аларнинг кейинидин борсалар, йўлда бир олтун бешикка кимхоб, атлас ва заррин либослар илан ўралган бир ёш болани кўрубдурларким, мазкур болани анвойи жавохирот илан музайян килинган экан. Ул уч тоифа халк боланинг эъзоз-икром илан олиб ўз жойла-рига кайтибдурлар. Бул болага каровул бўлуб турган йигит бул ахволни кўруб, хотиржамъ бўлуб, Бобурхонни кейинидин етиб, ахволи гузаштани маълум айлабдур. Ўзбаклар олтун бешик илан болани олиб, йигинларини бузмай, бир жойга жам бўлушуб, ўлтуруб, шул тарика маслахат килишибдурларким, бизлар уч тоифамиз, тифлни ва олтун бешикни ва жавохиротни уч таксим айлаб чек - куръа солурмиз. Куръада кайси нимарса каю тоифага тушса, ўшал нимарсани бенизоъ олсун деб, хаммалари куръага қарор бериб, куръа солганда тифл ёш бола жамоаи тарговата, ажносу ашё жамоаи мавзеи саройга ва олтун бешик чинкант жамоасига тушиб, ҳар каюлари ўз таксимларига рози бўлуб, хурсандлик илан ўз жамоаларига кайтибдурлар.

Андин кейин жамоаи ўзбаки таргова мазкур боланинг тарбиятига кўшиш айлаб бир муттаки ва порсо заифага топшурубдур. Ул заифаи окила боланинг тарбият ва парваришидин зар-рае тағофул ва бепарволик килмай, хуб диккат илан тарбият кила бошлабдур, чунки ул баччанинг асл насаби хакидаги хакикатни ўзбаклар хуб таҳкик айлаб билган эканлар.

Боланинг номини Олтун бешик кўйубдурлар. Охири ҳадди балогатга етушгондин кейин тааллуқдор килиб бир хушрўй ва сохибжамол киз олиб берубдурлар. Андин бир ўгул

фарзанд таваллуд топиб, номини Султон Элик кўйибдур. Ул ҳам балогатга етгандин сўнгра ўилантурубдурлар. Андин ҳам бир ўгул фарзанд бўлуб, номини Султон Худоёр кўйуб, ул ҳам болиг [ката] бўлганда ўилантуруб, андин ҳам бир ўгул фарзанд таваллуд топиб, номини Мухаммадамин кўйуб, ул ҳам балогатга етгандин кейин, хотун олиб, андин бир ўгул таваллуд топиб, номини Абулкосим кўйуб, ул ҳам болиг бўлуб, ўилангандин кейин андин бир ўгул фарзанд таваллуд топиб, онинг номини Шохмастбий кўйубдурлар. Алхол Чамашбий ном илан Фаргона ахолилари орасида машхурдур. Шахмаст [Шохмаст, Шамаст] бийдан Шахрухбий (Шохрух) ва андин Хожибшг ва андин Ашурбий таваллуд топиб, Ашурбийдин иккинчи Шохрухбий таваллуд топибдур ва Олтун бешик илан бу Шохруххон миёна [ўрта]сида ўн пушт абову аждод икки юз йил муддатда ўтиб, Шохруххон олами вужудга келиб, шу ўзбаклар орасида тар-бият топиб, хадди балогатга етганидин кейин онинг жабхаси-диншукух-удавлат вашижоат зохир-у намоён бўлуб, хамиша шикор килмокга ва асб(от)у-аслаха ва тире камон ила машгул бўлар экан.

Ўшал вақтдаги ўзбакларни накли бўйинча, иттифоко бир подшоҳ батарикаи шикор [ов учун] бул вилоятга келибдур. Ул вақтда Шохруххон ўн саккиз ёшда экан. Шикорнинг кизик вақтида бир йўлбарсни найза илан ярадор айлаб, сайд килиб, подшоҳга манзур айлаб мархамат ва шафкат ва мукаррам хурматга мус-тахик бўлубдур.

Подшоҳ анинг гайрату шижоат ва мардоналигини кўруб, лутф ва мархамат айлаб, ўшал музофотнинг хукмронлигини Шохруххонга тафвиз (тортик) айлабдур. Шохруххон хукмдорлигини ибтидосидин охири умрича⁴ Таргова ва Чамашда умр ўткариб, ҳукумат юргузуб, вафот килибдур. Андин Абдурахимбий ва Абдулкаримбий ва Шодибин деган уч ўгул олами ву-жудга келиб, улуг ўгли Абдурахимбий онинг ўрнига хонлик мансабига ўлтуруб, Хўканднинг калъа ва арк ва эски кўргонини бино килибдур ва баъзи ўзбаклар сўзи бўйинча Хўканд шаҳри аввал вақтларда тартиб топмай, Чодак мавзеида хўжаб жамоалари туруб, баъзи атроф жавониблардан, чунончи, Таргова Чамашбий, Чанкат ва Пиллахон ва Тўкайтепа ва Пуртак ва Тепакўргон ва Кайнар, буларга ўхшаш бошка бир неча кентлар аларни тахти ҳукуматларида бўлуб, хўжалар хукмронлик килар эканлар. Ўшал мавзеда барча ўзбаклар бир тўйда жамият айлаб, окил ва фаросатликлари шул тарика маслахат килишибдурларки: «Бизлар бул катта сойни атрофида бир неча кишлок ва кўргонлик халкмиз. Лекин орамизда мустакил ҳукумат киладурган бирор хукмронимиз йўк. Бизларга лозимдур бир мансабга лойик ва сазовор одамни ўзларимизга ҳоким ва сохиби хукм килиб, подшоҳ ва пешво килсак», деб хаммалари бул масъахатни истихсон айлаб, кабул килишиб айтибларким: «Олтун бешик насли Чамашбий авлодидин Шохруххон Ашурбек ўгли ўз ўрталаримизда мисли подшоҳзодалардек, доимо инъому-эхсон ва мурувватни бизларни баримизга дариг тутмай, хамма вақт хусни-хулк ва муо-малалик илан орамизда машхур ва маълумдур. Умид киламизким, салтанат маснадида ўлтургандин кейин ҳам бизларни баримизга инъом-эхсон ва мархаматини зиёда килса керак». Салтанат хусусида кўп маслахатлар килишиб, айтибдурлар: «аввало Шохруххонни хон кўтариб, ондин сўнгра Чодак хўжаларига хуруж киламиз», деб хаммалари иттифокларини бир жойга мукаррар килишиб, барча ўзбекни кухансол ва мўйсафидлари Таргова мавзеига йигилиб, Шохруххонни хон кўтарибдурлар.

Ондин кейин ўзбаклар маслахат топиб, ўз ораларидин бир кизни Чодакда ҳоким бўлуб турган хўжага номзод килиб, домод айлабдурлар. Хўжалар бу ишни кабул килиб тўй асбоби лавозимотларини тайёрлаб, дарёдин ўтубдур. Бул тарафдин ўзбаклар аларнинг истикболларига чикиб эъзоз ва икромлар илан хўжаларни бир яхши жойга кўндуруб, куёв илан биргалашиб келган кирк нафар йигитни бир-бирдин ўзбак расмларича таксим

айлаб, меҳмон килмак учун уйларига олиб кетиб, куёв бўлмишни хизматиға бир неча ўзбакларни тайин килиб кўйуб, лавозимоти меҳмондорликка шуруъ килубдурлар. Таомдин фориғ бўлгандин сўнгра ўзбаклар бир жойга йигилишиб маслахат килибдурларким, вақтики куёв (чимилдиг) чодирга кирган вақт-да бир курук ходани дарахт шохига маҳкамлаб тортиб синдурамиз, онинг овозини эшитган вақтда ҳар қаю ўзбеклар ўз уйидаги меҳмонни ўлдурсун. Куёвни чодирда ўлдурамиз деб маслахатни шунга қарор бериб, охири ул-амр бул тариқа тадбир илан хўжани қирқ йигити илан ўлдуруб, байроқ [ва] аслахаларини олуб, мусаллах бўлуб, Шохруххоннинг бошига туг ва байроқ кўтариб, ҳамма ўзбаклар жамъ бўлуб, Сирдарёдин ўтуб, тезлик илан келиб, Чодакни олиб, Чодакдаги асбобу олоти сипоҳигарлик, ҳазина ва бошқа асбоб-ашёларни тахти тасарруфларига олибдур. Ўшал тарафнинг ҳамма аъёни вилоятлари то Наманган сарҳадига тортуг ва пешкашлар ила келиб, Шохруххонга манзур бўлубдур. Шохруххон аларнинг ҳар қаюларига муносиби аҳвол ва қоидаи русуми подшоҳий шафқат ва марҳамат илан жома ва сарупо инъом айлаб, рухсат бериб, раъёё [ўтроқ] ва барёё [кўчманчи] аҳлига адлу эҳсон айлаб, Наманган сарҳадидин то Шаҳидон ва Понсод гозийгаким, алхол Понгос деб оталадур, ҳукуматини жорий килиб, илгари бўлуб турган бидъат ва ямон расму таъомилларни барҳам бериб, ул вилоятга волий ва ҳоким тайин айлаб, фатх ва нусрат ила қайтиб, ўзбак ва сартияларнинг энг аъло ва машҳур мавзеларидин Таргова ва Чамашбийга келиб тушубдур. Ул вақтда ҳам ўзбаклар жамиятларини пароканда қилмай, ҳукуматдорлик ишлари хусусида маслахат ва маш-варатлар қилишиб, охири шул тариқа қарор берибдурларким, душман ва ҳосидларнинг шарридин эҳтиёт ва сақланмоқлиғ ва шавқату ҳашамат ва салтанатни мустаҳкам ва барқарор турмоқлиғи учун қалъаи жаҳид ва амсори жаҳиди мазбутвамус-тахкамни барпо қилсак, зероки умури салтанат беқалъа ва бе-арқ [қалъасиз ва саройсиз]муяссар бўлмайдур деб.

Китъа:

Салтанат богест, бе девор хифзаш мушқил аст,
Бар сари он бе синони хор хифзаш мушқил аст,
Хору синону сидки дил мебояду бедор чашм,
Шохро бесидку бетимор хифзаш мушқил аст.
[Салтанат бир богедур, деворсиз уни сақлаш қийин,
Бу девор устини наштарли тиконсиз асраш қийин.
Тикону садокатли кўнгил, хушёрлик керак,
Сидку гамхўрлик бўлмаса, шохни асраш қийин].

Одами қордон [ишбилармон] ва хушёр, тажрибақорлардин бир нечаларига амр қилинибдурки, ўрда ва қўргон қилмак учун бир яхши ва муносиб жой топинглар деб, алар қўп жой ва мавзеларни қараб қўруб, охири икки сойни қўшиладурган жойиқи, алхол Эски қўргон ва Қўктўнлик ота деб айтадурлар, ўшал мавзени шаҳар бўлмоқга муносиб фаҳмлаб маълум қилганда, арқони давлат ва аъёни вилоятлар ҳаммалари ба иттифок сойни шарқ тарафиқим, алхол маҳалаи Богбонон деб оталур шаҳр бино қилиб, икки сойни ўртасига Қўктўнлик азизлар мавзеига жар ёқасига ўрда ва арш мустаҳкам барпо қилиб, ҳамма арқо-ни давлат ва аъёни қурбатлар арқни атроф жавонибига ҳовли ва иморатлар бино айлаб, ўзлари учун хона ва манзил тартиб қилиб, андақ фурсатда бул шаҳар ва арқ иморатларини тайёрлаб, яхши кун ва соати масъудда ҳамма аъёни вилоят ва аскар ва фуқаро ва ҳосу ом жамъ бўлуб, Шохруххонни подшоҳона либос илан музайян айлаб, эъзоз ва эҳтиром илан подшоҳ қўтариб, тахтга ўткузуб, ала кадр ал-хол

накдиналарини подшоҳларини бошларига нисор айлаб ва хайру худойилар килишиб муборакбодлик килишибдурлар. Андин кейин машойиху уламо ва фузало ва акобири вилоятлар келишиб, кайтадин табарукан деб, ок намадга кўтариб, Шохруххонни хон кўтаришибдурлар.

Шохруххон аларнинг ҳар каюларига муносиби аҳвол сарупо инъом айлаб, кайтмоқларига рухсат берибдур. Улугларга ўрда ва аркнинг ёнидин ховли жой бериб, ҳар каюларига ба кадри истеъдод вазифа тайин килибдур. Шохруххонни аввал мартаба Хўкандга хонлик маснадига ўлтурганлигини тарихи хижрийда 1121/1709- 10-нчи йили экан. Бир шоир бул тарихни «Зи Шохрух жў» [Шохрухдан кидир] иборатидин топибдур.

Хулосаи калом, Шохруххон 12 йил хонлик килиб 13 -нчи йилда вафот килибдур. Машхур намангонлик Машрабни пири Шайх мулло Бозор Охунд Намангоний ул хонга ҳамаср эканлар.

Шохруххондин уч ўғул таваллуд топиб, аввали Абдурахимбек, иккинчи Абдулкаримбек, учинчи Шодибекдур.

Шохруххонни вафотига мусаннифи «Тарихи Шохрухий» форсий забони(тили)да шул тарика тарих айтибдур:

Ёфт тахти салтанат зеб аз жулусаш ибтидо,
Кўси шохиро ба номи ў бизад лутфи худо.
Тожи шохи сарбаланди ёфт аз фарки сараш
Дар мулк андохт гулгуле кўс аз жўши садо.
Шохидони мулку касру тахт аз ў зиндаги,
Ёфт мустағни шуда аз хусни эхсонаш гадо.
Чархи гардун бар муроди чарх зад дах ду сол,
Бевафои ройи худ, лозим бигардад мо адо.
Шохи фаррух бархурд охир зи боги зиндаги,
Тарки тожу тахт карду карда аз олам зиво.
Расми шохи сарфарозиро зи авлодаш гузошт
Рафт аз олам шунида «аржаъ» гўён нидо.
Эй Ниёзий, соли фавташро бижў ту аз хирад,
Токи аз ойинаи тарих гардад занг зудо.
Инчунун пири хирад гуфт тарихи султони турк
«Вакти рихлат хон Шохрух шуд аз атрокон жудо».

[Тахтга ўлтурди чирой топди ўшал дам салтанат, Лутфи Худола, чалинди ногорайи шохлик анго. Сервикор бўлди унинг бошида тожи шох, келди ларзага жамии мулк, чалганда садо. Мулку касру тахтга шохид бўлганлар кўруб яшар, Анинг хайр эхсонидин бой бўлуб неча гадо. Айланиб маромида ўн икки йил чархи замин, Топди хўп минг бирла доим хиёнаткорлик жазо. Кетди дунё богидин шохи фаррахманд келиб, Тожу тахтни этди тарк бўлган экан умри адо. Мардона шохлик расмини колдириб авлодига, Кетди оламдин эшитиб яхши сўз, ҳамду сано. Баён килгил эй Ниёзий, вафот йилини аник, Токи тарих ойнаси зангдин бўлсин тез зудо (тоза). Шул тарика турк султони тарихин айлаб баён, «Вакти рихлат хон Шохрух бўлди турклардин жудо»].

Лафзи «атроқ»ни «хон Шохрух»дин ихрож килинганда тарих, яъни 1124/1712 - нчи йил хосил бўлар экан". Яна баъзи зурафолар: Шохруххон вафоти тарихи хакида баъзи алфозлар мулло Бозор Охундни муридлари огзидин чиккан экан, моддаи тарих топибдур. Онинг хикояси шул эканким, вафотига Шохруххон Хўканд шахрининг калъа ва арк биноларида намангонлик мулло Бозор Охундни муридларидин бир одамни мардикор

килиб ишлатиб юрган экан. Бу хабарни мулло Бозор Охунд эшитиб они халос килмок учун Хўкандга келиб Шохруххондин ул муридларини илтимос килган экан.

Хон илтимосларини рад килибдур. Шайх хондин хафа бўлуб кайтиб, Каровултепада бир муридларинингуйига бориб, деворга Шохруххон тасвирини тортиб, ўк-ёй ила ул суратга караб отиб, мизбонга айтибдурлар «Шохрух мурд» деб (яъни Шохруххоннинг ўлганлигини баён килибди).

Бу ходиса пайшанба куни жума кечаси экан. Ўшал жума куни хонни китфига бир ёмон яра чикиб, вафот килибдур. Бир неча кундин кейин мулло Бозор Охундни бир муридлари Каровул-тепада, ўшал уйга кўнганда сохиби хонадон ходисани баён килиб, шайх жўнаганлари хамоно хон вафот килди дебдур. Анда ул сўфии жохил «хирс ки мурд», деган экан, ул мезбони зариф бул иборатни хисоб килиб кўрса, моддаи тарих тушубдур. Бул тарихни айтгувчи муаррих узр баён киладурким, бул хикоя ва тарихни баён килганимдин муддао [максад] тоифаи ахлуллохни дилларини озурда килмоклик аломати интикол ва заволи умр ва мулку давлатдур. Минбаъд хони замонларга иб-рат учун бул хикояни баён килдим.

Шохруххон вафотидин кейин онинг катта ўгли Абдурахим-хон онинг ўрнига хон бўлубдур. Мазкур Абдурахимхон хушёр, окилу доно ва сохиби тадбир экан. Онинг асрида Бухоронинг хукмронлик ишлари бенихоя заиф ва бекувват ва бесаронжом илан, ҳукуматдорлик тадбир ва маслахатларидин билкулли йирок тушган экан. Бул вақтни ганимат фахмлаб, Абдурахимхон ўзбаки ва сартиялардин карийиб йигирма, ўттиз минг аскар тартиб айлаб, Хўжанд тарафига азимат айлабдур. Бир кеча-кундуз жадал ила юруб, Хўжанд шахрига етиб, сахар вақтида Хўжанд шахрини мусаххир килиб, Хўжанд ҳокими Окбўтабийни дастгир айлаб, ул шахарнинг аъёни ва ашрофи вилоятларига навозиш ва марҳаматлар килиб, хар каюларига муносиби ахвол мансаб бериб, Хўканд шахрига бозгашт килибдур. Иккинчи йил янгидин аскар ва кўшин тартиб этиб Ўратепа шахрига бориб, мухосара айлаб, они ҳам фатх килиб, Кулика номли Ўратепа ҳокимини дастгир айлаб, фатх ва нусрат илан Хўканд шахрига кайтибдур. Ва бир неча йилдан кейин [1145/1732 йили] янадин кўп аскар жамъ айлаб Самарканд тарафига равона бўлуб, андак фурсатда Самарканд шахрига етиб, шахарга якин жойга кўнуб, шахарни мухосара килибдур. Бир неча кундин сўнгра мусолиха илан шахарга дохил бўлуб, Самарканд шахридаги умаро ва уламо ва фузало-ларга инъому эхсон айлаб, бир неча кундин кейин Шахрисабз волийси Олимбек ваннаъмий (валинеъма)га элчи юбориб, онинг кизини ўзига талаб килибдур. Ваннаъмий ҳам элчиларга эъзоз ва икромлар кўрсатиб, бир неча меҳмондорлик лавозимотини бажо келтуруб, тўй асбобини саранжом айлаб, ўзкизини бир неча хос заифалар илан тажаммул айлаб юборибдур. Ва бул хушхабарни Самарканд шахрида Абдурахимхон эшитиб, аларнинг ис-тиқболига ўз ҳарамларидин канча заифалар юбориб, Самаркандга олиб келиб, бенихоя тўй-томоша илан никоҳ айлаб, бир неча кун Самаркандда туриб, ондин Хўжанд шахрига кайтиб келибдур. Вақтики, Абдурахимхон Хўкандга келгандин кейин амири Бухоро келиб, кайтадин Самаркандни олибдур. Бул хабарни эштитиб, амири Бухорони олдиға карши чикмок нияти илан Абдурахимхон кўп кўшун илан Хўжанд шахрига борибдур. Лекин, амири Бухоро Самарканддин бул тарафға караб юриш килмагонини билиб, Хўжанд шахрида бир неча кун таваккуф айлаб «ва моиндари нафс ба вай арз намуд»[нафс ўгай онаси унга вафо килмади] мазмунича, Хўжанд шахрида Абдурахимхон вафот килибдур. Муддати салтанати ўн икки йил бўлубдур. Тарихи ва-фоти Абдурахимхон:

Чун Рахимхон ба мулки Фаргона,
Сохиби тахту тожу афсар шуд.
Баъд аз хохи даху ду сол,
Мулки фони бир ў мукаррар шуд.
Рафт аз олам ў ба дасти тихи,
Золи фартут, арўси дигар шуд.
Гуфт тарихи ў хирад хам чун,
«Дилу жонаш карини мутаххар шуд».
[Бўлди тахт сохиби ва тож эгаси,
Рахимхон Фаргона мулкида.
Шундин кейин ўн икки йил,
Яшади у бу фоний дунёда.
У оламдин ўтди бўм-бўш кўл билан,
Картайганда кечирди ўзгача хаёт.
Шунинг учун ибратлидир унинг тарихи
«Дилу жони мутаххар (жаннат) га якин бўлди»].
«Жон» ни диликим «алиф»дур лафзи «мутаххар»га дохил килинганда модцаи тарих,
яъни 1146/1733 хосил бўлур.

давоми бор